



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ**  
**Қ А Р О Р И**

---

---

**21-сон**

**2013 йил 11 декабрь**

**Тошкент шаҳри**

**Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги  
ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида конституциявий нормаларга мувофиқ боланинг оилада тарбияланиши оила қонунчилигининг устувор тамойилларидан бири сифатида тан олинган.

Фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланишини назарда тутган ҳолда ушбу масалани ҳал қилиш ваколати судларга берилиши оила институтини янада мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялашда оиланинг аҳамиятини кучайтириш ҳамда оилавий муносабатларда қонунийликни таъминлашда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Оила кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ва судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда келиб чиқаётган саволларни тушунтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Судларнинг эътибори фарзандликка олиш ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш бола манфаатлари ҳимоясининг муҳим кафолатларидан бири эканлигига қаратилсин.

2. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг аризалари бўйича фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар

фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқли.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшаб келаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек, қаерда доимий яшаётганликларидан қатъи назар, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фарзандликка олиш ҳақидаги аризалари фарзандликка олинаётган боланинг яшаш ёки турган жойидаги тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий судига, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ёки Тошкент шаҳар суди судловига тааллуқли.

Фарзандликка олувчиларнинг бири бошқа давлат фуқароси бўлганда ҳам фарзандликка олиш ҳақидаги ариза ушбу судларга тааллуқлидир.

3. Назарда тутмоқ лозимки, фарзандликка олиш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибида кўриладиган ишлар жумласига киради ва ариза мазмун жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддасида назарда тутилган талаблар билан биргаликда мазкур кодекс 285<sup>2</sup>-моддаси талабларига жавоб бериши ва давлат божи тўланганлиги ҳақида қвитанция, ФПК 285<sup>3</sup>-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши лозим ва фарзандликка олувчилар (олувчи) томонидан имзоланади.

4. Аризани қабул қилиш масаласи ФПК 151–154-моддалари талабларига мувофиқ ҳал этилишини назарда тутган ҳолда суд аризачи томонидан кодекс 285<sup>2</sup> ва 285<sup>3</sup>-моддалари талабларига қанчалик риоя этилганлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

5. Судларнинг эътибори ФПК 159, 160-моддаларида назарда тутилган ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатлар билан биргаликда кодекс 285<sup>4</sup>-моддасида назарда тутилган ҳаракатлар тўлиқ бажарилмаслиги ишнинг муддатида кўрилишига ва қабул қилинадиган қарор қонунийлигига таъсир қилишига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низомга мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан васийлик

ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларига юкланганлигини инobatга олган ҳолда фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш мажбурияти ушбу орган зиммасига юкланиши инobatга олинаши лозим.

Шу билан биргаликда, хулоса Низом талабларига мувофиқ тузилганлигига ва унга ФПК 285<sup>4</sup>-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳужжатлар илова қилиниши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Назарда тутмоқ лозимки, фарзандликка олинувчининг соғлиғи ҳақидаги тиббий маълумот педиатр, невропатолог, хирург (ортопед-травматолог), офтальмолог, отоларинголог, логопед томонидан тузилади ва соғлиқни сақлаш тизимида белгиланган тартибда тасдиқланади.

6. Судларга тушунтирилсинки, фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар фарзандликка олувчилар (олувчи), васийлик ва ҳомийлик органларининг вакиллари, шунингдек, прокурор албатта, иштирок этган ҳолда кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда, суд фарзандликка олинаётган боланинг ота-онасини (отасини ёки онасини), унинг қариндошларини ва бошқа манфаатдор шахсларни, шунингдек, ўн ёшга тўлган боланинг ўзини ишда қатнашишга жалб қилиши мумкин.

Фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) ваколати тегишли тартибда расмийлаштирилган вакили борлиги, фарзандликка олувчиларнинг (олувчининг) судга ҳозир бўлиш мажбуриятидан озод этмайди. Мазкур тоифадаги ишлар бўйича фарзандликка олувчиларни (олувчини) вакили уларнинг шахсий иштирокисиз судда ишни кўриш босқичидан ташқари ҳаракатларни олиб боришга, хусусан, зарур далилларни йиғиш ва тақдим этиш, ишни судда кўришга тайёрлашда ариза юзасидан тушунтиришлар бериш, судьянинг талаби бўйича қўшимча далиллар тақдим этиш, ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олишга ёрдам кўрсатиш масаласини қўйишга ҳақли.

Ўн ёшга тўлган болани ишга қатнашишга жалб қилиш масаласини ҳал этишда суд Оила кодексининг бола ҳар қандай суд муҳокамаси даврида сўзлашга ҳақлилигини назарда тутувчи 68-моддаси қоидаларидан келиб чиқиши лозим. Бола-

нинг судда иштироки унга нохуш таъсир этиши мумкинлигини кўрсатувчи асослар мавжуд деб ҳисобланганда, суд ушбу масала бўйича васийлик ва ҳомийлик органининг фикрини аниқламоғи лозим.

7. Қонун билан ҳимояланган фарзандликка олишнинг сир сақланишини таъминлаш (Оила кодекси 153-моддаси) мақсадида судларнинг эътибори мазкур тоифадаги ишлар, шу жумладан, фарзандликка олишни бекор қилиш ва ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар ҳам, ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқилишига ва бу масала ишни судда кўришга тайинлаш ҳақидаги ажрим билан ҳал этилиши лозимлигига қаратилсин.

Ишда иштирок этувчи шахслар уларга маълум бўлган фарзандликка олиш билан боғлиқ маълумотларни сир сақлашлари зарурлиги, шунингдек, фарзандликка олиш сирини фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши ошкор қилганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 125-моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилишлари лозим. Бу ҳаракатлар суд мажлисининг баённомасига киритилади ва мазкур шахслар томонидан имзо билан тасдиқланади. Фуқаролик иши ёпиқ суд мажлисида кўрилиши тўғрисида суд мажлиси баённомасида ва ҳал қилув қароридида кўрсатилади.

8. Оила кодексининг 167-моддасига мувофиқ фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланиши сабабли боланинг мулкӣ ҳуқуқларини (ҳадя, мерос тариқасида ёки хусусийлаштириш натижасида вужудга келган мулкӣ ҳуқуқлар ва ҳ.к.) ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаблар фарзандликка олиш ҳақидаги ариза билан биргаликда кўрилиши мумкин эмаслигига судларнинг эътибори қаратилсин.

9. Тушунтирилсинки, Оила кодексининг 159-моддасига мувофиқ болани фарзандликка олиш учун бола ота-онасининг розилиги талаб этилади. Ота-она боланинг муайян бир шахс (шахслар) томонидан фарзандликка олинишига розилик билдирилиши ёки фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик органига ҳавола қилишлари мумкин.

Оила кодексининг 72-моддасига кўра, вояга етмаган ота-она ўн олти ёшга тўлишлари билан ота-оналик ҳуқуқларини муста-

қил амалга оширишга ҳақли эканликларини инobatга олган ҳолда ўн олти ёшга тўлмаган ота-онанинг боласи фарзандликка олинаётганда уларнинг розилигидан ташқари ота-она қонуний вакилларининг, қонуний вакиллар мавжуд бўлмаган тақдирда эса, васийлик ва ҳомийлик органининг ҳам розилиги талаб этилади, Оила кодексининг 160-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фарзандликка олиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар ота-она ўз розилигини қайтариб олишга ҳақли эканлигини инobatга олиб, розилик Оила кодекси 159-моддасининг 3-қисмида белгиланган тартибда тасдиқланган аризада баён этилган бўлса, уларнинг болани фарзандликка олинишига розилигини қайта аниқлаш талаб этилмайди. Шу билан биргаликда, суд ишни кўриш вақтида ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олган-олмаганлигини аниқламоғи лозим.

10. Ишни судда кўришга тайёрлаш жараёнида суд фарзандликка олинаётган боланинг яшаш (турган) жойидаги васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига фарзандликка олиш асосли эканлиги ва фарзандликка олинаётган боланинг манфаатларига мувофиқлиги тўғрисида судга хулоса тақдим этиш юклатилиши сабабли, судлар ота-онанинг бола фарзандликка олинишига розилиги бундай хулоса учун зарур ҳужжатлардан бири эканлигига ва Низом талабларига мувофиқ ариза нотариал тасдиқланган бўлиши лозимлигини инobatга олишлари талаб қилинади.

Оила кодексининг 158-моддасига асосан васийлик ёки ҳомийликдаги болани фарзандликка олиш, агар унинг ота-онасидан розилик талаб қилинмайдиган бўлса, васий ёки ҳомийнинг розилиги билан амалга оширилади.

Шу билан биргаликда, судлар Оила кодексининг 160-моддасида белгиланган ҳоллардагина фарзандликка олишга ота-онанинг розилигисиз йўл қўйилишини инobatга олишлари лозим.

11. Тушунтирилсинки, Оила кодекси 157-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади. Бундай розилик эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлган ҳоллардагина талаб қилинмайди.

12. Оила кодексининг 155-моддаси талабига мувофиқ ўн ёшга тўлган болани фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб этилади ва бундай розилик берилганлиги васийлик ва хомийлик органи ёки ишни кўриш вақтида суд томонидан аниқланади. Бундай ҳолларда, суд болага фарзандликка олишнинг ҳуқуқий оқибатлари (қариндошлари билан кўришиш, мулкий ва бошқа низолар), унинг фамилияси, исми ва ота исми туғилиш тўғрисидаги ёзувларнинг ўзгариши тушунарли ҳолда баён қилинган бўлиши лозимлигига эътибор қаратиши лозим.

13. Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишни мазмунан кўриб чиқиб, суд аризани қаноатлантириш тўғрисида ёхуд уни қаноатлантиришни бутунлай ёки қисман рад этиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Шу сабабли суд аризани ҳал этишда, фарзандликка олишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши шарт бўлиб, бунда Оила кодексининг 152-моддасига биноан:

ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

асаб касалликлари ёки наркология муассасаларида рўйхатда турувчилар;

ушбу Кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;

қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар фарзандликка олувчи бўла олмасликлари инobatга олиниши лозим.

Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

14. Фарзандликка олинаётган боланинг ака-укалари ва опасингиллари бўлиб, улар ҳам ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлсалар ва уларга нисбатан аризачи уларни ҳам фарзандликка олиш истагини билдирмаган ёхуд уларни бошқа шахс фарзандликка олиш истагини билдирган бўлса, болани фарзандликка олишга унинг манфаатига мувофиқ келсагина (масалан, болаларга уларнинг қариндошлиги ҳақида маълум бўлмаса, бо-

лалар биргаликда яшамаган ва тарбияланмаган бўлсалар, турли болалар муассасаларида бўлсалар, соғлиқларининг ҳолатига кўра бирга яшашлари ва тарбияланишлари мумкин бўлмаса) йўл қўйилади.

Шу сабабли суд Оила кодекси 151-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, фарзандликка олинаётган боланинг ака-укалари ва опа-сингиллари борлигини ва ишни кўриш вақтида уларни фарзандликка олиш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаши керак.

15. Оила кодекси 151-моддасининг 1-қисмига мувофиқ фарзандликка олишга фақат вояга етмаган боланинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилишидан келиб чиққан ҳолда судлар, турар жойидан қатъи назар, фарзандликка олинувчининг қариндошлари, фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс, ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар, ўгай ота ва ўгай она, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар фарзандликка олишда устун ҳуқуққа эга эканликларини инобатга олишлари лозим.

Шу билан биргаликда, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болани фарзандликка олишга агар болани Ўзбекистон Республикасининг унинг ҳудудида доимий яшаётган фуқароларига фарзандликка бериш имконияти мавжуд бўлмаган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкинлиги инобатга олинмоғи лозим.

Назарда тутмоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларни фарзандликка олиш Ўзбекистон Республикасида ўз дипломатик ваколатхонаси мавжуд бўлган давлатларнинг фуқаролари томонидан амалга оширилиши мумкин.

16. Назарда тутмоқ лозимки, Низом талабларига мувофиқ фарзандликка олувчилар бўлиш имконияти тўғрисида хулоса тайёрлаш учун васийлик ва ҳомийлик органи болани фарзандликка олишни хоҳлаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш натижалари бўйича далолатнома тузади ва далолатнома бошқа зарур ҳужжатлар билан бирга ариза берувчиларни фарзандликка олишга номзодлар сифатида ҳисобга қўйиш учун асос ҳисобланади.

Шу сабабли судлар фарзандликка олувчиларнинг турмуш шароитларини ўрганиш ҳақидаги далолатномаларни иш бўйича бошқа далиллар билан биргаликда текшириш ва баҳолаш лозимлигига эътибор қаратишлари лозим.

17. Судларнинг эътибори чет эл фуқаролари бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган фарзандликка олувчи шахслар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар белгиланган тартибда легализация қилиниши ёхуд уларга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши лозимлигига қаратилсин. Бунда тақдим этиладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши шарт.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган «Апостиль қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) иштирокчилари бўлган давлат фуқароларининг ҳужжатлари легаллаштирилиши талаб этилмаслиги, балки ваколатли давлат органлари ҳужжатни имзолаган сифатида иш кўрган шахснинг имзоси ҳақиқийлиги ва ҳужжатни тасдиқлаган муҳр ёки штамп босма изи ҳақиқийлиги тасдиқланиши кифоя қилишини инобатга олиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг турмуш шароитларини ўрганиш ҳақида далолатномаларни текшириш ва баҳолашда судлар далолатнома Конвенция ҳамда ФПК 285<sup>3</sup>-моддасининг 3-қисми талабларига мувофиқлигига эътибор қаратишлари талаб этилади.

18. Назарда тутмоқ лозимки, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болани фарзандликка олишда ҳам ушбу Кодекс 151–167-моддаларининг талабларига риоя қилиниши лозим.

Агар фарзандликка олиш натижасида боланинг Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалари билан белгиланган ҳуқуқлари бузиладиган бўлса, фарзандликка олувчининг фуқароликка мансублигидан қатъи назар, фарзандликка олиш мумкин эмас, амалга оширилган фарзандликка олиш эса, суд тартибида бекор қилиниши лозим.



19. Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш ҳақидаги аризани кўриб чиқишда суд нафақат аризачи фуқароси ҳисобланган давлатнинг қонунчилиги, балки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларидан ҳам келиб чиқиши лозим.

Шу сабабли, суд аризачининг болани фарзандликка олишига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини синчковлик билан текшириши лозим.

20. Оила кодексининг 238-моддасига мувофиқ суд чет эл оила ҳуқуқининг нормаларини қўллашда мазкур нормаларининг мазмунини уларнинг тегишли чет эл давлатида расмий шарҳланиши ва амалиётда қўлланилишига мувофиқ тарзда аниқлайди.

Шу муносабат билан чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмунини аниқлаш мақсадида суд ёрдам ва тушунтиришлар олиш учун белгиланган тартибда Адлия вазирлигига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларига мурожаат қилиши ёки экспертларни жалб қилишга ҳақли.

Агар амалга оширилган чораларга қарамай, чет эл оила ҳуқуқи нормаларининг мазмуни аниқланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

21. Фарзандликка олишга фақатгина бола манфаатидан келиб чиққан ҳолда йўл қўйилишини инобатга олган ҳолда судлар, мазкур тоифадаги ишларни кўришда ҳар бир ҳолатда ариза қаноатлантирилиши бола манфаатларига қанчалик мос келишини текширишлари лозим.

Шу сабабли, қарор қабул қилишда фарзандликка олувчи (олувчилар)нинг маънавий ва бошқа шахсий фазилатларини, унинг ва у билан бирга яшовчи шахсларнинг соғлиқларини, оилада шаклланган муносабатлар характерини ва аризани тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

22. Тушунтирилсинки, суд тартибида фойдасига ота-онасидан алимент ундирилаётган бола фарзандликка олинганда, Оила кодекси 147-моддасининг 2-қисмига асосан уларнинг алимент тўлаш мажбуриятлари тугатилади. Алимент тўлаш мажбуриятини тугатиш алимент тўловчи шахснинг илтимосига асосан ФПК 380-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Суд

хужжатлари ва бошқа органлар хужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни 37-моддаси тартибида суднинг ажрими билан ҳал этилади.

Шу билан биргаликда, фарзандликка олинаётган боланинг вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошларига нисбатан сақланиб қолинган ҳолларда (ОК 165-моддасининг 3-қисми) ота-онанинг алимент тўлаш мажбуриятлари тугатилмайди. Бундай ҳолларда алимент миқдорини ўзгартириш, уни тўлашдан озод қилиш масалалари манфаатдор шахсларнинг аризаларига асосан даъво иш юритиши тартибида ҳал этилиши лозим.

23. Фарзандликка олиш ҳақидаги ариза қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида фарзандликка олинган боланинг туғилиши ёзилган дафтарга ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган фарзандликка олинган ва фарзандликка олувчилар (олувчи) тўғрисидаги барча маълумотлар кўрсатилади.

Бола битта шахс томонидан фарзандликка олинаётганда унинг манфаатларини кўзлаб, агар фарзандликка олувчи эркак бўлса, онасининг хоҳишига кўра ёки агар фарзандликка олувчи аёл бўлса, отасининг хоҳишига кўра, шунингдек, агар фарзандликка олинаётган боланинг отаси ёки онаси вафот этган бўлса, вафот этган ота ёки она ота-онасининг (буванинг ёки бувининг) илтимосига кўра суднинг фарзандликка олиш тўғрисидаги қарорида фарзандликка олинган боланинг отаси ёки онаси билан ёхуд вафот этган отасининг ёки онасининг қариндошлари билан ҳуқуқий муносабатлари сақлаб қолиниши кўрсатиб ўтилади.

24. Тушунтирилсинки, алоҳида ҳолатлар натижасида ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса (масалан, фарзандликка олинаётган бола зудлик билан даволаш курсини ўташи лозимлиги), ФПК 220-моддаси 1-қисмининг 3-бандига кўра ҳал қилув қарорини суд ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилишига йўл қўйишга ҳақли.

25. Ота-онанинг мажбуриятларидан фарқли равишда фарзандликка олувчиларнинг болага нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олувчиларда ота-оналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари насл-насаби туфайли эмас, балки фарзандликка олганликлари муносабати билан вужудга келишини инобатга олган ҳолда судлар Оила кодексининг 169-моддасида назарда

тутилган асослар уларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эмас, балки фарзандликка олишни бекор қилишга асос бўлишини инobatга олишлари лозим.

Мазкур тоифадаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади ва ишни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳам ҳисобга олинади.

26. Тушунтирилсинки, фарзандликка олганларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин торганлари ёки уларни лозим даражада бажармаганликлари суд томонидан фарзандликка олишни бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин.

Боланинг манфаатлари учун зарур бўлган бошқа ҳолларда ҳам фарзандликка олиш суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво, уни расмийлаштиришда қонун бузилганлиги асос қилиб қўзғатилган бўлса, суд низони ҳал этишда барча ҳақиқий ҳолатларни, жумладан, фарзандликка олишни бекор қилиш боланинг манфаатларига зид келиш-келмаслигини ҳисобга олиши шарт.

27. Суд фарзандликка олишни бекор қилиш вақтида боланинг моддий ёрдамга муҳтожлигини аниқласа, собиқ фарзандликка олувчи зиммасига унинг таъминоти учун маблағ тўлаш мажбуриятини юклашга ҳақли.

Бундай ҳолда боланинг моддий таъминоти учун маблағ ундириш суд томонидан собиқ фарзандликка олувчининг ва ундирувчининг моддий ва оилавий шароитларини ҳисобга олиб, қатъий суммада амалга оширилади.

28. Назарда тутмоқ лозимки, фарзандликка олишнинг бекор қилинишига фарзандликка олинган бола вояга етгунига қадар, яъни ўн саккиз ёшга тўлгунига қадар йўл қўйилади.

Шу билан биргаликда, фарзандликка олинувчи вояга етгандан кейин ҳам фарзандликка олиш бекор қилинишига фақатгина фарзандликка олинувчининг хулқ-атвори фарзандликка олувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматига путур етказётган, уларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солаётган ҳоллардагина йўл қўйилиши мумкин.

29. Тушунтирилсинки, судлар фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги аризанинг судловга тааллуқлилиқ масаласини ҳал қилишда ФПК 141–142 ҳамда 285<sup>1</sup>-моддалари талабларидан келиб чиқишлари лозим.

30. Фарзандликка олишни бекор қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарориди фарзандликка олинувчининг фамилияси, исми ва ота исмини сақлаш-сақламаслиги кўрсатилади, шу ўринда ўн ёшга тўлган боланинг фамилияси, исми ва ота исми фақат унинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

31. Тушунтирилсинки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонунига мувофиқ Оила кодекси фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш асосларини назарда тутмайди.

Шу билан биргаликда судлар, ФК 4-моддасининг 1-қисмига кўра фуқаролик қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмаслиги ва улар амалга киритилганидан кейин вужудга келган муносабатларга нисбатан қўлланилишини назарда тутмоқлари лозим.

32. Суд томонидан фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш Оила кодексининг Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги қонуни билан кучини йўқотган 168-моддасида кўрсатилган ҳолларда ва фақат шу вақтга қадар фарзандликка олинганларга нисбатан: фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қалбаки ҳужжатларга асосланган бўлса; фарзандликка олиш сохта бўлса; вояга етган шахс фарзандликка олинган бўлса; фарзандликка олувчи шахс Оила кодексининг 152-моддасига мувофиқ фарзандликка олиш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса ва бошқа ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ва фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан фарзандликка олинганнинг ота-онаси, прокурор, васийлик ва ҳомийлик органлари, вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар, шунингдек, ўн олти ёшга тўлган фарзандликка олинган бола мурожаат қилишлари мумкин.

33. Судларга тушунтирилсинки, фарзандликка олиш тўғрисидаги ариза қаноатлантирилган тақдирда, фарзандликка олувчилар (олувчи) ва фарзандликка олинаётган боланинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари фарзандликка олинган боланинг тугилишини ёзиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кундан эътиборан белгиланади.

Шу сабабли судлар фарзандликка олинаётган бола манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ФПК 285<sup>6</sup>-моддасининг 1-қис-

мига асосан фарзандликка олиш, фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш ёки бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб уч кун ичида ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборишлари шарт.

Фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайд этилган ҳолларда, суд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Қоидалари»га мувофиқ (IV боб, 63–72-бандлар) ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олувчининг яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этиш органига юборилади.

34. Судларнинг эътибори тарафлар ва бошқа шахслар ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланган ҳар бир ҳолат тўғрисида ФПК 19-моддасига мувофиқ жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда прокурорга хабар қилиш лозимлигига қаратилсин.

35. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Болалар тарбияси билан боғлиқ бўлган низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 23-сонли қарорининг 23–25-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Олий суд раиси**

**Б. Мустафаев**

**Пленум котиби в.б.,  
Олий суд судьяси**

**Ғ. Хидоятлов**